



ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИШ ВАЗИФАСИ ҚЎЙИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 19 май куни геология соҳасини янада ривожлантириш, фойдали маъданлар ва ерости суви захираларини кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар тақдироти билан танишди.

Сўнги йилларда юртимиз геологияси ҳам илм, ҳам технология жиҳатидан кучайтирилгани натижа-сида қидирув ишларининг қамрови кенгайди, ерости бойлиқларининг янги захиралари аниқланди. Уларга асосланиб, йирик корхоналар қурилмоқда, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Хусусан, уран бўйича 27 та янги кон очилиб, барқарор хомашё ба-заси яратилди. Лекин соҳадаги имкониятлар анча кўп. Шу боис, давлатимиз раҳбари нодир ва ноёб металллар қазиб олиш ҳажминини оши-риш бўйича топшириқ берган эди.

Тақдиротида мутасаддилар шу бо-рада ишлаб чиқилган режалар юза-сидан ахборот берди. Унга кўра, умумий қиймати 182 миллион долларлик 14 лойиҳа шакллантирилган.

Президентимиз бу лойиҳалар билан чегараланмасдан, юқори-роқ марра олиш кераклигини таъ-кидлади.

Шу мақсадда, 2022-2026 йил-ларда геология-қидирув ишларини амалга ошириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш вазифаси қў-йилди. Бу дастурда 8 та янги кон ва 18 та истиқболли майдон ҳисобига уран захирасини ошириш, замона-вий бурғилаш ускуналарини олиб келиш, рақамли геология моделини яратиш кўзда тутилди.

Шунингдек, "Навоийуран" дав-лат корхонасини трансформация қилиш, хорижий мутахассисларни

жалб этиб, технологик жараёнларни такомиллаштириш бўйича кўрсат-малар берилди.

Уран захирасини халқаро стан-дартларга мувофиқ баҳолаш, сўнг-ги технологиялар асосида рудадан уранин ажратиб олиш даражасини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Тақдиротида истиқболли конларни тайёрлаш ва уларга инвесторларни жалб қилишга оид таклиф ҳам кў-риб чиқилди. Унга кўра, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳузурида "Янги кон" лойиҳа офиси ташкил этиш, унинг устав капитали-га 15 миллион доллар ажратиш мўл-жалланган. Бу лойиҳа офиси литий, алюминий, магний, графит ва бошқа нодир металлларни ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширади.

Давлатимиз раҳбари жаҳон бо-зорида уран нархи барқарор ўсиб бораётгани, янги лойиҳаларда бу хомашёни қайта ишлаш ва қўшилган қиймат яратишга алоҳида эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади.

Албатта, бунинг учун малакали кадрлар ҳам зарур. Шу боис, Пре-зидентимиз ташаббуси билан Гео-логия фанлари университети таш-кил этилган эди. Навоий кончили институтига университет мақоми берилди. Италиянинг Пиза ҳамда Россиянинг Санкт-Петербург кончи-лик университетлари билан қўшма дастурлар тузилди.

Лекин замонавий билимга эга,

ахборот технологиялари ва хорижий тилларни яхши ўзлаштирган ўрта бўгин мутахассисларини тайёрлаш су-ст. Жумладан, биргина Давлат геология ва минерал ресурслар кў-митаси тизимида йилига 300 дан ортиқ ўрта бўгин мутахассисларига эҳтиёж бор.

Шу боис, Зарафшон, Ангрэн ва Ғузордаги техникумларда геология-га ихтисослашган йўналишларни кўпайтириб, малакали ишчилар тай-ёрлаш зарурлиги таъкидланди.

Ўтган йили мамлакатимизда мис саноати кластери ташкил этилган эди. Дастурга кўра, мис ишлаб чи-қаришни ягона "занжир" асосида 2 бараварга кўпайтириб, 8 мил-лиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш режа қилинган.

Тақдиротида шу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳам ҳисобот берилди.

Маълумки, минтақамиздаги энг долзарб муаммолардан бири бу — сув танқислиги. Бундай шароитда ерости сувидан ақл билан фойдала-ниш зарур. Афсуски, сўнги йиллар-да ерости сувининг сатҳи юртимиз-даги 13 та туманда 5 метргача, 9 та туманда 20 метргача пасайган.

Шу боис, Президентимиз мута-садди ташкилотларга ерости суви захираларини кўпайтириш ва улар-дан оқилона фойдаланишни ташкил этиш бўйича топшириқлар берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 19 май куни Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустах-камлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Турли даражаларда ўзаро мулоқот ва алмашинувлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Савдо-иқтисодий ҳам-корлик кенгайиб бормоқда — йил бошидан товар айирбошлаш 30 фоизга ошди.

Эришилган келишувларни амалга ошириш ҳамда бешта муҳим йўналиш —

Давлат чегарасига оид масалаларда, савдо-сотиқни кўпайтириш, саноат коо-перациясини кенгайтириш, транспорт ва энергетика соҳаларида қўшма инф-ратузилма лойиҳаларини илгари суриш борасидаги амалий ҳамкорликда аниқ натижаларга эришишга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақавий мулоқот масалалари му-ҳокама қилинар экан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви кун тартибини ҳар

томонлама тайёрлаш муҳимлиги қайд этилди.

Етакчилар бўлажак икки ва кўп томон-лама тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқ-дилар.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президент-ларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек очиклик, ишонч ва дўстлик ру-ҳида ўтди.

ЎЗА

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

МАДАНИЯТ ВА КЎП АСРЛИК АНЪАНАЛАРНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ УЧУН ҚУЛАЙ ПЛАТФОРМА

Кеча пойтахтимизда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар маданият вазирларининг XIX йиғилиши бўлиб ўтди. Унда маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорликни янги bosқичга олиб чиқиш, ишга солинмаган имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳамда ўзаро муносабатларни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, аввалги йиллар мобайнида ҳамкорликда амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил этилди. Муҳокамалар жараёнида ШХҲта аъзо мамлакатлар маданият соҳаси вакилларининг келгусидаги режалари белгилаб олинди.

Давоми 2-бетда

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ПЕНСИЯ, НАФАҚА, КОМПЕНСАЦИЯ, МОДДИЙ ЁРДАМ

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИНГ БУГУНГИ ТИЗИМИ ҚИСКА МУДДАТДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛАНДИ?

Бу йил баҳорнинг сўнги ойи қўшалоқ шодиёналар билан бошланди. Рамазон ҳайити Хотира ва қадрлаш кунига улашиб кетди. Шундай улғу шодиёналарга ҳамоҳанг тарзда халқимиз ҳаётида муҳим ўзгариш ясаган кўплаб янгиликлар рўй берди. Хусусан, эҳтиёжманд аҳолини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида пенсия ва нафақаларни 1 майдан 12 фоизга ошириш тўғрисида Президент фармони имзоланиб, 4 миллион 100 минг аҳоли хонадонига қўшимча маблағ кириб боришига замин яратилди.

Бу аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатла-мини қўллаб-қувватлаш, нуронийларнинг бугунги ҳаётидан рози бўлиб, мазмунли умр кечириши учун муносиб шароит яратишга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг яна бир муҳим bosқичи бўлди. Зеро, инсон кесайишда, соғлигини йўқотганда, oilавий шароити оғир-лашганда ижтимоий ҳимояга, ўзгалар кўмагига

эҳтиёж сезади. Шундай вазиятда давлат томо-нидан ажратиладиган пенсия, нафақа, моддий ёрдамнинг ўрни муҳим. Шу боис, бугунги гло-бал дунёда давлатлар ривожланиш даражасини баҳолашда аҳолининг ана шундай қатламини ижтимоий ҳимоялаш масаласига устувор аҳамия-т қаратилади.

Давоми 3-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ҲУЖЖАТЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР ИЖРОСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МАҲАЛЛАЛАРДА ЯНГИ ЖОРИЙ ЭТИЛГАН ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ, ЁШЛАР ВАКИЛИ, ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛАРИНИНГ РОЛИ

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни "Инсон қадрини улғулаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда маҳаллаларнинг ваколатини кенгайтириш, давлат бошқаруви органларининг ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш тизимини яратиш белгиланган.

Шунингдек, Давлат дастури билан барча даража-даги раҳбарлар маҳаллага тушиб, ўз йўналиши бў-йича муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топи-ши тартиби жорий этилиб, маҳалладаги ишларнинг аҳволи вазирлик, идора ва ҳокимликлар фаолияти-ни баҳолашнинг бош мезони сифатида белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг "Раҳбарлар фақат давлатга эмас, аввало, инсон ва oilага, улар-нинг қонуний манфаатларини таъминлашга

хизмат қилиши керак" деган тамойиллари асо-сида, ҳар бир мутасадди раҳбарнинг маҳалла ва туман ҳаётини ипидан-игнасиғача билиши шартли-ги, ҳеч бир раҳбар халққа юк бўлмасдан, аксинча, халқнинг юкини елкасига олиб фаолият юритиши кераклиги — вилоятимиздаги ҳар бир раҳбар ол-дига қатъий вазифа қилиб белгилаб берилган.

Давоми 2-бетда

КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЁШЛАР ФОРУМИ

минтақамизнинг истеъдодли вакилларини юртимизда жамлади

Тошкент вилоятидаги "Аструм IT академияси"да Марказий Осиё ёшлар форуми бўлиб ўтмоқда. Минтақада яшовчи йигит-қизлар ўртасидаги ишонч ва дўстлик aloқаларини янада мустаҳкамлаш, ёшларни қўллаб-қувватловчи ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш мақсадида ташкил этилган анжуман ёш авлоднинг ижтимоий лойиҳа ва дастурларини муваффақиятли амалга ошириш, интеллектуал салоҳият егаларини эзгулик йўлида бирлаштиришда ўзига хос платформа вазифасини ўтаётир.

Форумда Марказий Осиё давлатлари-нинг ёшлар сиёсатиға масъул идоралари ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, жаҳон ва республика фан олимпиадалари ғолиб-лари, халқаро тоифали ёш шахматчилар ва гроссмейстерлар, шунингдек, ахборот технологиялари соҳаси бўйича иқтидорли йигит-қизлар иштирок этмоқда.

Тадбир давомида илм-фан ва ахборот технологиялари йўналишлари бўйича минта-қада ёшлар сиёсатини ривожлантиришга қа-ратилган қатор ижтимоий лойиҳалар ишлаб

чиқилди. Шахсий ривожланиш бўйича тре-нинглар ўтказилди. Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш мақсадида "Заковат" интеллектуал ўйини ҳамда Марказий Осиё ёш шахматчилари турнири ташкил этилди.

Форумда қатнашаётган Қозоғистон, Қир-ғизистон, Тожикистон ва Туркменистон дав-латларининг ёшлар сиёсатиға масъул му-тасаддилари билан икки ва кўп томонлама учрашувлар ҳам ўтказилди

Давоми 2-бетда

ШУКУҲ



Наманган

Халқаро гуллар фестивали

оғушида

Дунёда байрам тантаналар кўп. Лекин юртимизнинг сўлим гўшаси — Наманганда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро гуллар фестивалига ўхшаши кам. Бинобарин, олтмиш биринчи бор ташкил этилаётган анжуман Наманганнинг ташриф қозғиза айланиб улгурган. Мазкур катта фестиваль жорий йилнинг 22 майдан 5 июнига қадар юксак савияда ўтказилади. Бетакрор байрамга қизгин тараддуд кўрилди ва бу жараён аини пайтда ҳам авёж палласида.

Давоми 5-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

Ислохот

2022 йил 20 май, 100-сон

3

БОШЛАНИШИ 1-БЕТДА

Нуронийларни, ўзгалар кўмагига муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш бизнинг заминимизда азалдан юзсак эътибор қаратилган ва амал қилинган эзгу қадриятдир. Бугунги кунда, янги Ўзбекистонда бу борадаги анъаналарни изчил давом эттириш ва янги маъно-мазмун билан бойитиш ислохотларнинг муҳим йўналишига айланди. Мамлакатимизда аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати юритилмоқда.

Бунинг натижасида кам таъминланганлик нафақаси олувчи оилалар сони 2016 йилдаги 466 мингдан 2022 йилда 1 миллион 860 мингга етказилиб, 4 баро-

барга ошди. Хусусан, ҳозирги кунга келиб юртимизда пенсия ва нафақа олувчилар сони 4 миллиондан ошди. Тараққиёт стратегияси доирасида бу борадаги ишлар йил сайин такомиллашмоқда. Пенсия ва нафақаларни тайинлаш, етказиб бериш жараёнида очиқлик, шаффофликни таъминлаш, уйма-уй юриш орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни аниқлаш ва манзилли ҳимоялаш бўйича чора-тадбирлар тобора кучаймоқда.

Сир эмас, илгари пенсия ёки нафақа тайинлаш учун кўп ҳужжат талаб этилар, ойлаб идорама-идора сарсон бўлишга тўғри келарди. Албатта, бундай ҳолатлар аҳоли орасида пенсия тизимига эътироз уйғотиб келган.

Сўнгги йилларда пенсия таъминоти тизимидаги ислохотлар

жараёнида одамларни қийнаётган ана шундай муаммоларга барҳам берилди, ҳалқимиз маффаатлари ва талабларига тўла мос келадиган, миллий қонунчилик ва ҳалқаро андозалар даражасига жавоб берадиган замонавий пенсия таъминоти тизими яратилди. Унинг натижалари бугунги кунда ҳар бир инсон, ҳар бир оила тақдирида ўз самарасини ёрқин намён этмоқда.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: қисқа муддатда бундай катта натижага эришиш учун қандай муҳим ислохотлар амалга оширилди ва уларнинг натижаси нималарда намён бўлмоқда? Пенсия ва нафақа ажратиш тизимида қисқа муддатда эришилган натижаларни аниқ тасаввур қилиш учун энг муҳим ўзгаришлар ҳақида тўхталамиз.

БЕШИНЧИ ўзгариш — пенсия миқдори муттасил оширилмоқда.

Нуронийларимиз бир даврага жамланса, ҳол-аҳвол сўрашган, юртимиздаги тинчлик-осойишталикка шукрона келтиради, фарзандлар, набиралар, давлатимиз ардоғида яшаётганидан мамнун эканини изҳор этади. Гап орасида сўнгги йилларда пенсия таъминотидаги ўзгаришлар, пенсия миқдори ошаётгани, пенсия ва нафақалар ўз вақтида, нақд пулда етказиб берилаётгани катта қулайлик бўлганидан сўзлайди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда, юртимизда нуронийлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини муҳофаза қилиш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, пандемия шароитида аҳолини қўллаб-қувватлашга эътибор янада кучайди. Пировардида 2021 йил декабрь ойида пенсияларнинг ўртача миқдори 922,9 минг сўмни ташкил қилди.

Пенсиялар инфляциядан кам бўлмаган миқдорда мунтазам ошириляпти. Жумладан, жорий йил 1 майдан пенсия ва ижтимоий нафақалар минимал истеъмол харажатлари қийматидан кам бўлмаган миқдорда белгиланди.

ОЛТИНЧИ ўзгариш — энг кам пенсия миқдори ошди.

Президентимизнинг жорий йил 17 февралдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, тизимда бир қатор ўзгаришлар қузатилди. Масалан, ногиронлиги бўлган шахслар, айниса, доимий парварishiга муҳтож болаларни парварishiлаётган оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилди. 2022 йил 1 апрелдан бошлаб зарур иш стажига эга бўлмаган меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ҳамда иш стажи тўлиқ бўлмаган ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда 440 минг сўмдан 622 минг сўмга тенглашди. Бунда 162 минг фуқаронинг пенсия ва ногиронлик нафақаси миқдори қайта ҳисоб-китоб қилинди. Жорий йил 1 майдан ушбу миқдор 698 минг сўмга етказилди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ БУГУНГИ ТИЗИМИ ҚИСҚА МУДДАТДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛАНДИ?

БИРИНЧИ ўзгариш — пенсия ва нафақаларни расмийлаштириш учун очиқ, шаффоф, замонавий тизим жорий этилди.

Молия вазирлиги ҳузуридаги *бюджетдан ташқари Пенсия* жамғармаси тизимида ҳам ахборот технологиялари орқали ўзига хос ютуқларга эришилди. Бунинг сайин такомиллаштириб бораётган “Пенсия” дастурий таъминоти мисолида кўришимиз мумкин. “Пенсия” дастурий таъминоти 4 миллиондан ортиқ пенсия ва нафақа олувчилар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи ягона базадир. Дастурда пенсия ва нафақа тайинлашдан тортиб, улар тўлангунга қадар бўлиб ўтадиган жараёнлар электрон тарзда бажарилади. Барча ҳисоботлар автоматик тарзда шаклланиши жамғармада ишловчи ходимларга қулайлик яратмоқда.

Инсон омилини камайтириш, ортиқча вақт сарфи, пенсия ва нафақа олувчилар оворагарчилигини камайтириш мақсадида яратилган бу дастур ёрдамида қатор ташқи ахборот тизимлари билан ўзаро ахборот алмашинувига эришилди. Хусусан, Халқ банки билан пенсия ва нафақа олувчиларнинг тўлов қайдономларини юбориш, тўланган (тўланмаган) пенсия ва нафақалар тўғрисида маълумот алмашиш фақат электрон шаклда амалга оширилмоқда. Натижада, тўлов қайдономларини сохталаштиришнинг олди олиниб, тўловлар устидан назорат ўрнатилди. Бундан ташқари, тижорат банклари билан банк пластик картаси орқали пенсия ва нафақа олувчилар маблағларини ўз ҳисобрақамига юклаш бўйича электрон ахборот алмашинуви йўлга қўйилди. Шу тарзда қоғоз шаклидаги тўлов қайдономларидан тўлиқ воз кечилиб, пенсия ва нафақаларни нақд пулсиз шаклда ҳар ойнинг 2-5-санасига қадар тўлаш имконияти яратилди.

Давлат солиқ қўмитаси билан йўлга қўйилган ахборот алмашинуви фуқароларнинг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларни электрон олиш имкониятини яратди. Адлия вазирлиги (ФХД) тизими билан ўрнатилган маълумот алмашинуви бола туғилганда ва дафн маросими учун нафақаларни тезкорлик билан тайинлаш ҳамда жамғарма

ва давлат бюджети маблағлари мақсадли сарфланишини таъминлади.

Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тизими билан йўлга қўйилган маълумот алмашинуви ногиронлиги бўлган шахсларга пенсия ва нафақаларни ўз вақтида тайинлаш ҳамда ногиронлик ўзгариши ҳолатини автоматик мониторинг қилиш имконини берди. Амалиётга жорий қилинган “SMS-pensiya” хизмати орқали фуқароларга пенсия миқдорлари, тўлов амалга оширилгани ҳақидаги хабарларни олиш мумкин бўлди.

Фуқаролар тайинланган пенсия ва нафақалар миқдори, ҳисобга олинган даври, ҳисобга олинган ўртача ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларни онлайн қўриб туради. Бу маълумотларни Ягона интерактив давлат хизматлари портали, Пенсия жамғармасининг расмий веб-сайти ва @pensiya.uzbot телеграм боти орқали қузатиб бориш амалиёти жорий этилди.

Бундан ташқари, Пенсия жамғармаси томонидан тайинланадиган пенсия ва нафақаларни тайинлаш босқичма-босқич электрон шаклга ўтказилди. Биринчи босқичда бир марталик нафақалар, бола туғилганда бериладиган суюнчи нафақаси ва вафот этган фуқаронинг дафн маросими учун бериладиган нафақалар композит хизматлар шаклига ўтказилди. Суюнчи пулини олиш учун фақат паспорт кифоя.

Иккинчи босқичда 8 турдаги нафақа олиш учун мурожаат қилиш Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилиши жорий этилди. Бунда паспорт билан мурожаат қилган мурожаатчининг нафақага ҳуқуқи бор ёки йўқлиги Пенсия жамғармасининг “Пенсия” дастурий мажмуаси ва вазирлик, идораларнинг ахборот тизимлари билан ўзаро ахборот алмашинуви орқали аникланди, бунинг учун 10 сония талаб этилади. Нафақа тайинлашда инсон омилли иштирок этмайди.

ЕТТИНЧИ ўзгариш — янги турдаги нафақалар жорий этилди.

Фарзанд қутаётган ҳар бир ота-она зурриёди соғлом дунёга келишини, жигарбандини тўқис ва баркамол воёга етказишни орзу қилади. Аммо ҳаётда қутилмаган ҳолатлар ҳам учраб туради — баъзида чақалоқ ногиронлик аломати билан дунёга келади. Шундай вазиятда ҳар қандай ота-она нафақат руҳан тушқунликка тушади, бундай оила ижтимоий кўмакка ҳам муҳтож бўлади. Чунки ногиронлиги бўлган фарзандга доимий

парварishi керак. Табиийки, бу вазифа асосан оналар зиммасида.

Президентимизнинг 2022 йил 17 февралдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ана шундай вазиятда аҳоли манфаатини ҳимоялашда муҳим дастуриламал бўлди. Унга мувофиқ, ўзга-

лар парварishiга муҳтож ногиронлиги ва одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касалликка чалинган 18 ёшгача болалари бўлган оилаларга ҳар ойда 500 минг сўм миқдорида янги турдаги парварishiлаш нафақаси жорий этилади. Бунда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ўзгалар парварishiга муҳтожлигини белгилаш ва улар тўғрисидаги маълумотни электрон шаклда тақдим этиб бориш тизимини йўлга қўяди. 2022 йил октябрдан бу тоифадаги фуқароларга нафақани қўшимча ҳужжатларни талаб этмаган ҳолда проактив шаклда тайинлаш тизими жорий этилади. Бу йўналишдаги чора-тадбирларни молилаштириш учун Пенсия жамғармаси ва бюджет ҳисобидан қўшимча 378,4 миллиард сўм ажратилди.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламига бир марталик моддий ёрдам ҳам ажратилляпти. Мисол учун, Президентимизнинг тегишли қарорига асосан, 2021 йил август ойида боқувчисини йўқотган ва ногирон фарзанди бор 280,8 мингта оилага бир марталик (500 минг сўмдан) моддий ёрдам тўланди. Бунга жамғарма ҳисобидан 181,1 миллиард сўм ажратилди. 2021 йил декабрь ойида эса 283,9 минг боқувчисини йўқотган ва ногирон фарзанди бор оилаларга бир марталик (800 минг сўмдан) моддий ёрдам тўланиб, бюджетдан 221,4 миллиард сўм йўналтирилди.

САККИЗИНЧИ ўзгариш — пенсия ва нафақаларни исталган шаклда — нақд ёки пластик карта орқали олишнинг янгича механизмлари яратилди.

Илгари пенсия ва нафақалар пластик карта орқали тўланар, уни нақд пулга айлантириш жиддий муаммо эди. Бу эса ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганлар учун янада қийинчилик туғдирарди. Ҳаракатлар стратегияси доирасида бу йўналишда амалга оширилган изчил ислохотлар қисқа муддатда ўз самарасини берди. 2017 йилдаёқ бу борада янги тизим яратилди. Пенсия ва нафақаларни нақд ёки пластик карта орқали олиш имконияти пайдо бўлди.

Президентимизнинг 2022 йил 7 апрелдаги “Давлат пенсиялари, нафақалар, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловларни тўлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, бу жабҳадаги ишлар янада ривожланмоқда. Мазкур қарорга кўра, 2022 йил 1 майдан бошлаб пенсиялар, нафақалар, компенсациялар, кам таъминланган оилалар учун болалар нафақаси ва моддий ёрдам пулини банк картаси орқали олувчиларнинг пенсия ва нафақасига 1 фойзлик қўшимча тўлов тўланиши жорий қилинди, яъни пенсионерларнинг банк карталарига 1 фойз ортиқча пул тўлаб берилляпти.

Банк картаси орқали маблағларни (жумладан, пенсия ва нафақаларни) банкмат орқали нақдлаштиришда улардан 1 фойз банк хизмат ҳақи ушлаб

қолинаётган эди. 2022 йил май ойидан бошлаб пенсия ва нафақани банк картаси орқали олувчиларга 1 фойз қўшимча бериш орқали фуқароларнинг ушбу харажатлари қопланади. Яъни фуқаро пенсия ва нафақани банкматдан нақдлаштириб олаётганда, қўшиб берилган 1 фойз ечиб олинди ва бунда фуқаронинг пенсия миқдори ўзгармайди. Фуқаро пенсия ва нафақа пулини нақдлаштирмаса ёки савдо ва қўрсатилган хизматлар учун банк картаси орқали ҳисоб-китоб қилинса ҳам 1 фойзлик устама фуқародан қайтариб олинмайди, унинг ҳисобидан қолдирилади.

Пенсия ва нафақани нақд пул шаклида олувчиларга маблағлар Халқ банки сайёр кассалари томонидан етказиб берилиши давом эттирилади. Бунда ушбу тўловлар фуқароларга етказиб берилгани учун Пенсия жамғармаси Халқ банкига 1 фойз ҳисобидан ҳеч қандай хизмат ҳақи бермайди. Ушбу қўшимча тўловлар учун жорий йилда фуқароларга Пенсия жамғармаси ва республика бюджетидан 211,2 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилди.

Қарорга мувофиқ, пенсия ва нафақалар, “Темир дафтар”, “Ешлар дафтери” ва “Аёллар дафтери” ҳисобидан моддий ёрдам, меҳнат органларидан тўланадиган ишсизлик нафақаси

лар парварishiга муҳтож ногиронлиги ва одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касалликка чалинган 18 ёшгача болалари бўлган оилаларга ҳар ойда 500 минг сўм миқдорида янги турдаги парварishiлаш нафақаси жорий этилади. Бунда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ўзгалар парварishiга муҳтожлигини белгилаш ва улар тўғрисидаги маълумотни электрон шаклда тақдим этиб бориш тизимини йўлга қўяди. 2022 йил октябрдан бу тоифадаги фуқароларга нафақани қўшимча ҳужжатларни талаб этмаган ҳолда проактив шаклда тайинлаш тизими жорий этилади. Бу йўналишдаги чора-тадбирларни молилаштириш учун Пенсия жамғармаси ва бюджет ҳисобидан қўшимча 378,4 миллиард сўм ажратилди.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламига бир марталик моддий ёрдам ҳам ажратилляпти. Мисол учун, Президентимизнинг тегишли қарорига асосан, 2021 йил август ойида боқувчисини йўқотган ва ногирон фарзанди бор 280,8 мингта оилага бир марталик (500 минг сўмдан) моддий ёрдам тўланди. Бунга жамғарма ҳисобидан 181,1 миллиард сўм ажратилди. 2021 йил декабрь ойида эса 283,9 минг боқувчисини йўқотган ва ногирон фарзанди бор оилаларга бир марталик (800 минг сўмдан) моддий ёрдам тўланиб, бюджетдан 221,4 миллиард сўм йўналтирилди.

УЧИНЧИ ўзгариш — пенсия ёки нафақани расмийлаштириш ва олиш учун “прописка”га боғлиқлик бартараф этилди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида турли соҳаларда ва оилавий тадбиркорлик йўналишида ўзини ўзи банд қилган аҳоли ҳам ягона ижтимоий солиқ тўлаб бурса, иш стажига эга бўлади. Бу борада ҳатто мигрантларнинг ҳам манфаати эътиборга олинган. Бунда меҳнат мигранти ҳар ойда ёки ҳар чорақда, шунингдек, бир йўла Ўзбекистонга қайтиб келган кунидан бошлаб 3 йил мобайнида Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов тўлаш орқали иш стажини расмийлаштириш мумкин.

Эндиликда 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажи шахсининг меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар асосида ҳеч қандай тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланади. Ишлайдиган эр ёки хотин ишламайдиган турмуш ўртоғи учун ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаши мумкин. Бу келгусида унинг турмуш ўртоғи ҳам пенсия таъминотига эга бўлишига имкон яратади.

Болани парварishiлаш таътилининг иш стажига қўшилидиган даври кўпи билан 6 йил эътиб белгиланди, илгари бу муддат 3 йил эди. Бу аёллар учун яна бир имконият бўлди.

ТЎРТИНЧИ ўзгариш — пенсия ва нафақа тайинланадиган аҳоли қатлами кенгайди.

Шу йил 9 февралда қабул қилинган “Фуқароларнинг ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун

ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга қўшимча, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунга ҳам ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра, оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари (болалар, ака-укалар, опа-сингиллар ва набиралар) ёши илгари 16 ёш бўлса, энди 18 ёш эътиб белгиланди. Боқувчисини йўқотганлик нафақасини 23 ёшгача олиши мумкин бўлди.

7

8

9

10

11

12

13

14

15

16

17

18

19

20

21

22

23

24

25

26

27

28

29

30

31

32

33

34

35

36

37

38

39

40

41

42

43

44

45

46

47

48

49

50

51

52

53

54

55

56

57

58

59

60

61

62

63

64

65

66

67

68

69

70

71

72

73

74

75

76

77

78

79

80

81

82

83

84

85

86

87

88

89

90

91

92

93

94

95

96

97

98

99

100



ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЭШИГИ

ИЛҒОР ТАЖРИБА ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ФАОЛЛАШУВИ БИЛАН ОЧИЛАДИ

**Хусан ТАНГРИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат
божхона кўмитаси матбуот хизмати раҳбари в.б.**

Ўз фаолиятига “ақлли”, инновацион технологияларни жадал татбиқ этаётган Бирлашган Араб Амирликлари божхонаси ҳозир Швейцариядаги Жаҳон рақобат марказининг халқаро рейтингда дунё давлатлари божхона хизматлари ўртасида етакчилик қилмоқда. 2022 йил февраль ойда эълон қилинган рейтингга кўра, БААдаги ташқи савдо юқарининг 80 фоиздан ортиғини расмийлаштирадиган Дубай божхонаси амирликда тадбиркорлар ишончига сазовор бўлиш индексида 91,8 фоиз натижани қайд этди.

Салкам 15 йил аввал божхона расмийлаштирувида қозғондан воз кечган Дубай божхонасида бутунга келиб 95 фоиз юк декларацияси хавфни бошқариш тизимида инсон омилсиз автоматик расмийлаштирилади. Бундан ташқари, амирликда божхона соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича ҳам улкан тажриба ва салоҳият мавжуд. Шуларни ҳисобга олсак, БАА божхона хизмати фаолиятидаги илғор тажрибани ўрганиш, ўзаро ҳамкорлигини янада фаоллаштириш Ўзбекистон учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Айни масала жорий йил 17 февраль кунини Президентимиз раислигида божхона тизимини янада ислоҳ қилиш ва коррупциядан холи соҳага айлантириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда алоҳида таъкидланиб, БАА божхонасининг илғор тажрибасини ўрганиш, бизнинг Божхона институтини трансформациялашда ўзаро ҳамкорлик қилиш юзасидан топшириқ берилган эди.

Шу топшириқларни сифатли ижро қилиш, божхона хизматини рақамлаштириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги илғор тажрибаларини ўрганиш мақсадида Давлат божхона кўмитаси раиси Акмалхужа Мавлонов бошчилигидаги делегация Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб қайтди.

Ўзбекистон ва БАА божхона хизмати раҳбарияти ҳамда ишбилармон доира вакиллари билан учрашув

Икки мамлакат божхона идоралари ўртасида ҳамкорлик 2019 йилда “Божхона ишлари бўйича ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида”ги ҳуқуқматлараро битим доирасида амалга ошириб келинмоқда.

Сўнгги 5 йилда Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги ўзаро ташқи савдо 81 фоиз ошган. Бу кўрсаткич 2017 йилда 76,6 миллион АҚШ доллари, 2021 йилда 138,8 миллион АҚШ доллариға етди. 2022 йилнинг 4 ойи давомида ушбу рақамлар ўтган йилнинг шу давридагиға

нисбатан 2 баробар ортиб, 90 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Аммо мазкур рақамлар БААнинг оқди ва расмий статистикасидаги кўрсаткичлардан тубдан фарқ қилади.

Шу боис, учрашувда Ўзбекистон томонини божхона идоралари ўртасида ўзаро онлайн ахборот алмашинуви йўлга қўйиш таклифини илгари сурди. Бу таклифда товарлар экспортга расмийлаштирилган вақтнинг ўзида ахборот каналлари орқали товарлар, транспорт воситалари ва юк жўнатуви чиларга доир тўлиқ ахборотни иккинчи томон божхонасига узатиш назарда тутилган. Бунда хавфларни бошқариш ахборот тизимида маълумотлар таҳлил қилинади ва товарлар мамлакат чегарасига етиб келганда энг қисқа муддатда чиқариш имконияти яратилади. Шунингдек, статистик маълумотларни ўзаро алмашиш ва турли даврийликлар бўйича таққослашни йўлга қўйиш муҳим.

Учрашувда божхона соҳасини рақамлаштириш бўйича ҳамкорликни кучайтириш, божхона ходимлари иш самарадорлигини оширишнинг КРП тизимини татбиқ этиш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, икки мамлакат ваколатли иқтисодий операторларини ўзаро тан олиш, кинологияда ҳамкорликни фаоллаштириш каби масалалар атрофича муҳокама қилинди. Шу мақсадда “йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, ижро муддатлари ва масъуллар белгилан олинди.

Глобал бозорда 7 фоиз улушга эга “DP World” компанияси ҳалқари Ўзбекистонга келмоқчи

“DP World” дунёдаги учинчи энг йирик порт бўлиб, глобал бозордаги улуши 7 фоизни ташкил қилади. Компания 78 та деңгиз терминали ва дунёдаги энг йирик саноат парки — Жабал Али эркин зонаси, жумладан, Дубай божхонаси фаолиятини ҳам бошқаради.

Дубай божхонасининг муваффақияти трансформация сабабли бўлиб, шахарга кириб келаётган ва чиқиб

БОЖХОНА



БААда стажировкадан ўтказиш, университетдаги бой ахборот манбалари ва дарсликлардан фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди.



кетаётган 95 фоиз юк инсон аралашувисиз, олдидан тақдим этилган дастлабки декларация асосида автоматик тарзда божхона расмийлаштирувидан ўтказилади. 2021 йилнинг ўзида 27 миллиондан ортиқ транзакция амалга оширилган.

Трансформация жараёнлариға энг илғор мамлакатлар тажрибаси қўлланилган, бир-бирини тақдорловчи функциялар, бюрократик жараёнлар бекор қилинган, ҳар бир божхона ходими фаолият самарадорлигини баҳолашнинг ахборот тизими жорий этилган.

“DP World” компанияси президенти Султон Аҳмад бин Сулайм билан учрашувда “Cargoes Customs” электрон ахборот тизими илғор жиҳатларини Ўзбекистон божхонасига жорий қилиш бўйича келишувга эришилди.

Шу мақсадда мазкур компания раҳбари Ўзбекистонга келади ва келишув юзасидан ишлар жадал бошланади.

Уйғунлашув нуқтаси: “Cargoes Customs” ва “Ягона дарча”

“DP World” компанияси бош операция директори Маҳмуд ал-Бастакий билан учрашув ҳам самарали бўлди. Учрашувда БААнинг “Cargoes Customs” электрон ахборот тизими, “Dubai trade portal” платформаси имкониятлари меҳмонларга намойиш қилинди.

“Cargoes Customs” электрон ахборот тизими “DP World” компаниясининг етакчи ахборот технологиялари мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган

бўлиб, Жаҳон божхона ташкилотининг “WCO data model 3.7” стандарти асосида тадбиркорлик субъектлари учун алоҳида, божхона ходимлари учун алоҳида интерфейсга эга.

Дастур ўз ичига божхона органлари фаолиятининг барча назорат тартиб-таомилларини жамлаган. Хусусан, товарларнинг ТИФ ТН коди ва божхона қийматини белгилаш, товар чиқариб юборилгандан сўнг аудит назорати, хавфни бошқариш тизими, сунъий интеллектга асосланган контрабанда назорати, тескари алоқа тизими шулар жумласидандир.

Салкам 20 йил аввал ишлаб чиқилган ва йилдан-йилга такомиллашиб бораётган “Dubai trade portal” платформасига дастлаб 5 та идора интеграция қилинган бўлиб, бугунги кунда ташқи савдо фаолиятиға алоқадор юзлаб идоралар (порт ва брокерлик хизматлари, логистик компаниялар, эркин савдо зоналари) уланган. Содда қилиб айтганда, “Ягона дарча” платформаси вазифасини бажаради.

2021 йилда портал орқали 21 миллион транзакция амалга оширилган, порталда 150 мингдан ортиқ фойдаланувчи рўйхатдан ўтган, 750 дан ортиқ электрон хизмат жорий этилган.

Учрашувда мазкур тизимнинг ишлаш механизми ва қўлай инновацион ечимларини ўзлаштириш, Ўзбекистоннинг “Ягона дарча” божхона ахборот тизимига татбиқ қилиш юзасидан дастлабки келишувларга эришилди.

Дубай божхонаси нега ҳаммаша етакчи?

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги ўзаро товар айирбошлашнинг салкам 55 фоизи ёки 49,4 миллион АҚШ доллари айнан Дубай ҳиссасига тўғри келади. Кўриниб турибдики, Дубай амирликлар орасида товар айирбошлашда етакчи.

Дубайда Жебел Али, Рашид портлари, “Dubai Internet City”, “Dubai Media City”, Ал-Мақтум аэропорти, “Масдар сити” каби энг замонавий халқаро логистика марказлари фаолият кўрсатмоқда. Масалан, “Dubai Internet City” мамлакатнинг ташқи савдосига катта ҳисса қўшадиган логистика компаниялари учун биринчи интеграциялашган платформадир.

140 километр квадрат худудни эгаллаган Жебел Али деңгиз порти эса ҳуқуқмат томонидан амирликнинг савдо имкониятларини кенгайтириш мақсадида амалга оширилаётган энг катта лойиҳадир. Шу сабабли Дубай божхонасида логистика терминаллари фаолиятини мувофиқлаштириш ва божхона назоратини ташкил этиш бўйича катта тажриба шаклланган.

Бу борада Ўзбекистонда ҳам муҳим қадамлар қўйилмоқда. Жумладан, чегара пунктлариға яқин ҳудудларда йирик божхона терминалларини ташкил этиш, бу ерда барча хизматларни бирлаштирган ҳолда “Ягона дарча” тамойилини жорий қилишға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда товарларни божхона чегаралари орқали олиб ўтишни соддалаштириш, тезлаштириш ва кузатиш имконини берувчи ахборот тизимларини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Шу боис, учрашувда божхона тизимини рақамлаштириш, коррупцияға қарши курашиш, ходимларни бошқариш каби йўналишларда ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Президентимизнинг жорий йил 27 апрелдаги “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришға доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида 2022-2024 йилларда божхона органлари тизимида аёл ходимлар улушини камида икки баробар ошириш назарда тутилганини инобатга олсак, бу йўналишда ҳам Дубай тажрибаси ўрганишға арзирли.

Ҳозир Дубай божхонасида хизмат қилаётган ходимларнинг 38 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади. Бу ерда гендер тенглик, аёлларни ишға қабул қилиш, уларға кўрсатилган қўлайликлар ва ижтимоий ҳимоя тизими яхши йўлга қўйилган.

Мутахассисларимиз Дубайда амалиёт ўтайди

Президентимизнинг юқорида қайд этилган йиғилишида Божхона институтини трансформация қилиш юзасидан ҳам топшириқ берилган эди.

Мазкур топшириқни ижро қилишда хорижий илғор тажрибалирнинг ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ана шу мақсадда делегация Дубай университетиде ҳам бўлди ва мазкур олийгоҳ президенти Исо Муҳаммад Бастакий билан учрашди.

Университет томонидан турли хорижий ўқув юртлари, жумладан, АҚШ, Германия ва Франция таълим даргоҳлари билан яқин ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилиб, халқаро таълим стандартлари жорий этиб келинмоқда. Бу борада Ўзбекистонда ҳам аниқ натижалар бор. 2021 йилда Давлат божхона кўмитаси Божхона институтининг “божхона иши” бакалаврият таълим йўналиши Жаҳон божхона ташкилотининг PICARD профессионал стандартларға мувофиқ аккредитациядан ўтказилди.

Учрашувда Дубай университети профессор-ўқитувчиларини бегараз асосда Божхона институтидеги таълим жараёниға жалб этиш, хусусан, таълим сифатини баҳолаш, Ўзбекистонда семинар ва тренинглар ўтказиш таклифи илгари сурилди.

Шунингдек, Божхона институти ва Дубай университети ўртасида кадрлар тайёрлаш, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ва ўзбекистонлик кадрларни бевосита БААда стажировкадан ўтказиш, университетдаги бой ахборот манбалари ва дарсликлардан фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди.

Икки мамлакат олий ўқув юртлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтиришға қаратилган меморандум имзоланди. Меморандум Ўзбекистон ва БАА ўртасида божхона соҳасида кадрлар тайёрлаш йўналишидаги икки томонлама ҳамкорликнинг янги даврини бошлаб беради.

САНОАТ КЛАСТЕРИ

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР

Сурхондарёнинг ипак гиламлари дунё бозорини забт этмоқда

Ўтган йилнинг июнь ойда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятиға ташрифи давомида Термиз шаҳридаги “Afghan bazar carpets” корхонаси фаолияти билан танишган, корхона ишчилари, тадбиркорлар билан мулоқот қилиб, бундай ишларни янада кенгайтириш хусусида ўз фикрларини билдирган эди.

Айтиш жоизки, мазкур лойиҳа Сурхондарё учун алоҳида аҳамиятга эга. Яъни воҳода қўй кўп боқилади, лекин унинг жуни деярли қайта ишланмайди. Лойиҳа ана шу фойдаланилмаётган имкониятни юзга чиқарди. Шунингдек, бу орқали ҳудуддаги хотин-қизлар муқим даромадли меҳнатға жалб этилдики, бугун улар ўз ишларидан мамнун. Қолаверса, ҳозирги кунға келиб, корхона жойлашган ҳудуд ўзига хос ишлаб чиқариш майдониға айлангани ҳам қувонарли.

— Чиндан ҳам, “Silk Road Text” ўзига хос ишлаб чиқариш мажмуасига айланган, у Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитаси ташаббуси билан барпо этилган бўлиб, кластер усулида маҳсулотлар ишлаб чиқаришға ихтисослаштирилган, — дейди корхона раҳбари Абдунаби Абдуллаев. — Бу ерда бешта лойиҳа амалға ошириляпти. Шундан тўрттаси тўлиқ қувват билан ишляпти. Дастлаб фойдаланишға топширилган “Afghan bazar carpets”да 100 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Маҳсулотлар тўлиқ экспорт учун

мўлжалланган. Шундан сўнг текстиль, оёқ кийим ишлаб чиқариш, ипак гилам тўқиш корхоналари фаолияти йўлга қўйилди. Яқинда эса матони бўяш корхонасини ишға тушириш ниятидамиз. Бу бўйича хиндистонлик ҳамкорлар билан келишувға эришилган.

Табийи бўёқлардан ранг олган ипак толаларидан қўлда тўқилган ипак гиламлар ҳар қандай харидор эътиборини тортади. Унинг нафис чиқиси кишидан нозик дид, катта диққат ва сабр-тоқатни талаб этади. Шу боис, бундай гиламлар ноёб ҳисобланиб, жаҳон бозориде ўз қийматига эга. Қўл меҳнати билан олти ой ва ҳатто бир йилгача вақт оралиғида тўқилган гиламларнинг нархи ҳам арзон эмас.

Мажмуадаги “Tehron Surxon” масъулияти чекланган жамиятида ана шундай маҳсулотларни хотин-қизларимиз тўқимоқда. 100 нафар тўқувчи меҳнат қилаётган мазкур корхона гиламлари ҳам юз фоиз хориж бозорларига етказиб берилади. Корхонанинг йиллик экспорт қуввати 1 миллион АҚШ доллари эканлигини инобатға олсак, даромад ёмон бўлмайди.

Тайёр кийим-кечак тикувчи “Drem Silk Textil” ҳамда пойабзал ишлаб чиқарувчи “Drem Silk Shoes” масъулияти чекланган жамиятлари ҳам йирик корхоналар ҳисобланади. Биринида минг нафар, иккинчисида юз нафар юртдошимиз иш билан банд. Цехлар хориждан келтирилган замонавий тикув машиналари ва ускуналар билан жиҳозланган.

Айтиш жоизки, ушбу лойиҳалар туфайли водий-воҳа кооперацияси йўлга қўйилди. Яъни, мазкур тармоқлар бўйича Наманган вилояти билан ҳамкорлик мустаҳкамланди. Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми оширилиб, шу кунға қадар фойдаланишға ярқосиз

бўлган қўй терисини тўлиқ қайта ишлаш йўлга қўйилди. Хомашё етиштиришдан саноат ишлаб чиқаришға ўтилди. Шу билан бирга, қўшни вилоятлардаги қорақўлчилик кластерларни томонидан қайта ишланган тери хомашёсига доимий харидор пайдо бўлди. Қолаверса, вилоятда тўқимачилик саноати ривожига муносиб ҳисса қўшилди. Ҳар икки корхонаға Наманган вилоятидан тажрибали ходимлар жалб этилиб, улар маҳаллий ишчиларни ўқитиб, иш ўргатапти.

— Наманганда уч йилдан буюн тикувчилик корхонасиде ишлар эдим, — дейди қадоклаш цехи устаси Фотиима Мирзаева. — Корхонамизнинг Сурхондарёда филиали ташкил этилган, бу ерда иш бошқарувчи бўлиб ишляпман. Зиммамға юз нафар шогирд тайёрлаш вазифаси юклатилган. Улар билан цехида бир кунда мингтағача қўйлақларни сотувға тайёрлаймиз. Ҳозир хорижға 15 мингта ўғил бопалар қўйлақларини тайёрлаб бериш билан бандмиз.

“Silk Road Text”да бугун ишлар шундай қизгин кечмоқда. 2020-2021 йилларда корхонада техник-технологик жиҳатдан тўлиқ қурилиш ишлари амалға оширилди, инфратузилма объектлари қайтадан барпо этилди. Бу эса корхонада тўлиқ технологик занжир асосида хомашёдан тайёр маҳсулотгача ишлаб чиқаришни йўлга қўйишға хизмат қилди. Ишчи-ҳодимлар учун хизмат қилувчи умумий овқатланиш ва уларнинг ишға келиб-кетишлари учун транспорт ташкил этилган.

Маҳсулотларнинг экспорт географияси ҳам кенгайиб бормоқда. Улар бугунги кунда Хитой, Туркия, Франция, Италия, Россия, Тожикистон каби давлатлардаги буюртмачиларға етказиб берилмоқда. Аммо бу чегара эмас, жамоа доимий



Ҳақим йўлдошев олган суратлар.



**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
Азимбек САМАДОВ,
“Янги Ўзбекистон”
мухбирлари**

Бошланиши 1-бетда

Фестиваль арафасида Наманган вилояти ҳокимининг туризм ва маданий мерос масалалари бўйича ўринбосари Ботиржон НУРИДДИНОВнинг тайёргарлик ишлари ва унинг аҳамияти ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

— Аввало, таъкидлаш жоизки, 2018 йилда Халқаро мақомга эга бўлган фестиваль бу йил ilk маротаба икки ҳафта давом этади. Очилиш маросими 22 май куни эрталаб вилоятнинг кириш дарвозаси — Наманган халқаро аэропортидан то марказий кўчалар бўйлаб турфа гуллар билан безатиладиган 200 дан зиёд автомашиналар карвони ва “Тинчлик” стелласи майдонида очик осмон остидаги концерт дастури билан бошланади.

Хабарингиз бор, фестиваль 2020 йилда коронавирус пандемияси сабаб ўтказилмаган. 2021 йилда бир ҳафта ичида қарийб бир миллион кишини қам-

бўйича нуфузини оширмакда, гулга шинаванда наманганликларни тобора ғайрат-шижоатга ундамокда. Тадорик ҳам шунга мос, кайфият аъло даражада. Вилоят марказида 25 та меҳмонхона, қолаверса, шахарга туташ туманларда 300 ўринга мўлжалланган оилавий меҳмон уйлари хизмат кўрсатишга шай ва уларга фестивални аниқлашчи байроқлар ўрнатилди.

Одатдагидек, фестивалнинг қайноқ нуқтаси — шаҳримиздаги ўн олти гектарлик фойзли Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳозирлик жадал кетмокда. 100 дан ортиқ корхона-ташкilot ҳамда туманлар учун ажратилган майдонлар, асосий дам олиш масканлари моҳир гулчилар, декорация усталари, ландшафт дизайнерлари шарофати билан анвойи гулларга бурканмокда. Улар 300 турдаги гулдан 200 хил бадий композиция яратди. Кўзни қувна-



тимсолларни учратасиз. Гуллар воситасида қиёфалантирилган Тошкент шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” боғи монументини, Ўзбекистон Республикаси байроғи ва гербини, Наманган рамзига бокиб, фахр-ифтихорга тўласиз. Еру осмондан кузатсангиз, теварак худди

Нафосат ва гўзаллик айёми 5 июнь оқшомида Наманган шаҳрининг Давлатобод туманидаги замонавий “Афсоналар водийси” тематик боғида тантанали тақдирлаш билан якунланади. Унда ўн беш кун давом этадиган тадбирда фаоллик кўрсатган, томошабинлар эътирофини қозонган гулчилар ва корхона-ташкilotларга 12 та номинация бўйича махсус диплом ва қимматбаҳо мукофотлар, олий ўрин эгаллаганларга эса автомобиллар топширилади.

гулдан тўшалган гилам, жилопанган камалакмисол, вужудингизни ажиб туйғу чулғайди. Атроф ранг-баранг нафис элементлар, фавворалар ва манзарали тунги чироқлар билан яратилмокда, ёқимли ҳарорат ҳукм сурмокда.

Фестиваль мобайнида мазмунли ва қизиқарли маданий дастурлар ҳам уюштирилади. Бобур номидаги ва “Афсоналар водийси” боғлари, “Уч фаввора” хиёбони, вилоят мусикали драма театри олдида қад ростлайдиган улкан сахналарда йигилганлар эътиборига шоир ва ёзувчилар, цирк усталари, ўзбек эстрадаси юлдузлари ва фольклор ансамбллари, спортчилар чиқишлари, миллий ўйинлар, сайиллар, модалар танлови намойиш қилинади. Шунингдек, маънавий-маърифий лойиҳалар, гулчилар ва соҳа мутахассисларининг илмий-амалий конференцияси, маҳорат дарслари кўзда тутилган. Боғдаги “Наво” ёзги концерт залида Ўзбекистон халқ артисти, Наманганнинг ардоқли фарзанди Камолиддин Раҳимов хотирасига бағишлаб ўтказиладиган “Камолиддин издошлари” республика куриктанловида аксарият ёш истеъоддорлар қатнашиш истагини билдирмокда.



Гулчилар ассоциацияси ва унинг қошида гулчиликка ихтисослаштирилган ўқув маркази мавжуд. Гулчи-тадбиркор Обидхон Қодиров, шахар ободонлаштириш бошқармаси гулчиси Саодатхон Усмонова, фахрийлардан номдор кассуси Жўраҳон Мўминов, “Нафосат” гул ишқибозлари гуруҳи етакчиси Дилбар Содикова сингари фидойилар ўз гулчилик мактабига эга. Шогирдлари вилоят марказининг Давлатобод туманидаги 18 гектарлик иссиқхонада эртаю кеч сеvimли машғулоти билан банд. Мазкур плантацияда кластер асосида ҳар бир гулчига 25 сотихдан ер ажратилган. 300 нафардан ортиқ гулчи-тадбиркор мунтазам гул етказиб бермокда. Байрам кунлари маҳаллий ҳамда хорижий, моҳир ва хаваскор гулчилар учун алоҳида павильонлар ташкил этилади.

Сифатли интернетдан фойдаланиш борасида муаммо бўлмайдиган, чунки бепул “Wi-Fi” тармоқлари ўрнатилган. Бошқа мамлакатлардан ташриф буюрувчиларни мазкур байрам ва Наманган ҳақида энг муҳим маълумотлар билан таъминлаш, уларнинг саволларига жавоб бериш учун НамДўнинг туризм йўналиши талабалари ва Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармасининг чет тилларини ўзлаштирган волонтерларидан иборат оптимиз нафар йигит-қиз бириктирилган. Миллий фестивалнинг хорижлик иштирокчилари, мартабали меҳмонлари Наманган шаҳрининг ва вилоятнинг диққатга сазовор жойлари билан таништириш мақсадида вилоят маданий мерос ва туризм бошқармаси томонидан Тўрақўрғон туманидаги Аҳсиқент тарихий музейи, Исҳоқхон Ибрагимов мемориал мажмуаси, Чўстадаги Мавлоно Лутфуллоҳ боғи, Бибиона, Чортоқнинг Султон Увайс Қараний ва Наманган шаҳридаги “Ўн бир Аҳмад” зиёратгоҳлари, Президент мактаби, Янги Наманган

туманига қарашли намунали “Бунёдкор” маҳалласи ва бошқа ўндан ортиқ тарихий маданий ёдгорликлар, ихтимомий объектлар белгилаб қўйилган.

Нафосат ва гўзаллик айёми 5 июнь оқшомида Наманган шаҳрининг Давлатобод туманидаги замонавий “Афсоналар водийси” тематик боғида тантанали тақдирлаш билан якунланади. Унда ўн беш кун давом этадиган тадбирда фаоллик кўрсатган, томошабинлар эътирофини қозонган гулчилар ва корхона-ташкilotларга 12 та номинация бўйича махсус диплом ва қимматбаҳо мукофотлар, олий ўрин эгаллаганларга эса автомобиллар топширилади.

Бир сўз билан айтганда, “Namangan Flowers — 2022” халқаро фестивали бутун Ўзбекистонни, жумладан, афсонавий Наманганни дунёга танитиш баробарида ички ва ташқи сайёҳлар оқимини кучайтириш, туризмни янада ривожлантириш, ҳамкорлик доираларини кенгайтириш, илгор таҳрибаларни омаллаштиришга хизмат қилади. Гўзаллик ва гул шайдопарли бўлган жамики юртдошларимизни ва хорижликларни гуллар шахрига чорлаймиз. Мафтунок она табиат ифорида баҳраманд, жозибадор туристик шодиёнага, ноёб гулу ўсимликларга, чинакам халқ сайлига, беназир ва сара гуллар мусобақасига гувоҳ бўлай десангиз, машҳур тадбиркор хунарамандлар диёри, гўзал Наманганга келинг, деб қоламиз.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Орифжон Жўраев ёзиб олди.

Раҳмонжон МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.

ТИББИЙ ХИЗМАТ

ДАВОЛАНИШ ХАРАЖАТИНИ ДАВЛАТ ТЎЛАЙДИ

Зоҳиджон ЭРМАТОВ, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ижро этувчи директорининг биринчи ўринбосари

Юртимиз аҳолисини сифатли ва малакали тиббий хизмат билан таъминлаш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтиришда нодавлат тиббиёт тизимининг ўрни алоҳида. Дунё мамлакатлари тажрибасида давлат иштирокисиз ривожланишининг имкони бўлган тиббий ёрдам кўрсатиш турларини ташкил этиш ва соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш доимий эътиборда. Бундан қўзланган асосий мақсад нодавлат тиббиёт тизимини ривожлантириш билан бирга, зарур тиббий ёрдамни аҳолига янада яқинлаштиришдан иборат.

Президентимизнинг ўтган йил 28 июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори хусусий тиббиёт маюссасаларини қўллаб-қувватлашда дастуриламал бўлмокда. Унга кўра, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси, урология, кардиология, травматология ва ортопедия, акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказларининг имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга кўрсатадиган тиббий хизматларини давлат бюджетли маблаглари ҳисобидан қоплаб беришга рўхсат этилган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга

давлат бюджетли маблаглари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиш истагини билдирган нодавлат тиббиёт ташкилотлари учун очик танлов эълон қилди. Айни вақтда барча ҳудуддаги нодавлат тиббиёт ташкилотлари ушбу танловда иштирок этиш учун тегишли ҳужжатларни тақдим этмокда.

Ҳозир имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш учун қўлланадиган ордер тизимида барҳам берилиб, очиклик ва шаффофлик таъминланмокда. Янгилик сифатида беморларни ҳисобга олиш ва навбат асосида даволашни йўллашнинг электрон ахборот тизими жорий этилмокда. Бундай тизим орқали беморларнинг ҳасталигига мувофиқ даволашни таъминлайдиган, тиббий хизмат қиймати кўрсатилган ҳамда



матрицали штрих код (QR код)га эга йўлланма берилади. Ушбу йўлланма ахборот тизимида автоматик тарзда шакллантирилиб, давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотига тиббий хизматлар олиш ҳуқуқини беради. Бемор даволангач, унга тиббий хизмат кўрсатган тиббиёт ташкилотига Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси кўрсатилган тиббий хизматларни асословчи ҳужжатларга кўра базавий нархлар доирасида давлат бюджетли маблагларидан хизмат ҳақини тўлаб беради.

Тасдиқланган базавий нархлар доирасида беморларни даволашдаги сарф-харажатларнинг давлат буже-

тидан қопланишини бир сўз билан давлат буюртмаси деб аташ мумкин. Зеро, давлат ўз хизматига олган аҳоли қатламини даволатиш учун ҳар бир касаллик муолажасига белгиланган қийматдаги базавий нархни тасдиқлаб, беморга даволаш масканини танлаш ҳуқуқини бермокда.

Давлат буюртмасини бажаришда нодавлат тиббиёт ташкилотларининг тенг ҳуқуқда иштирок этиши соғлом рақобат таъминиларига таянган ҳолда юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш орқали мижозлар базасини кенгайтириш, номи ва обрўсини ошириш ҳамда даромадини кўпайтиришга имкон бериши билан аҳамиятлидир.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан шартнома тузишга тавсия этилган нодавлат тиббиёт муассасалари сони тўксонтадан ошди. Айни вақтда уларнинг ўндан зиёди билан шартномалар тузилди. Қашқадарё вилоятидаги “Doctor Boboyev” клиникаси улар орасида пешқадам бўлиб, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан шартнома тузган ва даволанишга йўллаш ахборот тизимида шакллантирилган йўлланма асосида беморларни қабул қилган ilk нодавлат тиббиёт муассасаси ҳисобланади. Қисқа даврда учта беморда юқори технологияли жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Китеблик Сарвиғул Ҳамроева улардан бири.



— Анчадан буён соғлиғим ёмонлашиб, буйрак ҳасталигидан азият чекаётганим, — дейди С.Ҳамроева. — Йўлланма билан хусусий шифохонада даволаниб қидим. Жарроҳлик амалиёти ўтказилгач, ўзимни жуда яхши ҳис қилаётган, аҳолим яхши. Даволаш, дори-дармон, жарроҳлик амалиёти учун мендан ҳеч ким, ҳеч қандай маблағ талаб қилмади. Ҳамма харажатларни Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси бюджет маблаглари ҳисобидан тўлаб берди. Бу биз учун жуда катта енгиллик бўлди.

Уйимизга яқин, барча қулайликларга эга хусусий шифохонада даволаниб, вақтимизни ва маблағимизни тежадик. Барчаси учун чексиз миннатдорман.

Соҳадаги ҳозирги ислохотлар юртимиз аҳолисини сифатли ва малакали тиббий хизмат билан таъминлаш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтиришга қаратилгани билан янада аҳамиятли. Буларнинг барчаси халқ розилигига эришиш, аҳолига сифатли ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида қилинмокда.

Маърифат гулшанидан улгу олаётган оқшомлар

Маъмура ЗОХИДОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Ёшлар бўлими ходими

Мана, икки йилдирки, пойтахтимиздаги баҳаво, маърифат истаган кўнгиллар интиладиган муҳташам ва сокин ушбу манзил — Адиблар хиёбонида келган ҳар қандай одамнинг бахри-дили очилади. Йил сайин улғайиб бораётган манзарали дарахтлар, барқ уриб очилган гуллар, турфа ўсимликлар, қушлар овози — ҳаммаси кишининг кўнгилни ёруғ қилади, ажиб ҳисларга кўмади. Хиёбон бўйлаб борар экансиз, гўё бу маскан юртимиз тинчлигидан яна бир қарра гувоҳлик бериб тургандек туюлади. Ичкарилаган сари ҳар бири ўзининг салмоқли ижоди ва улкан қалбидан дарақ бераётгандай — атоқли адибларимиз ҳайкаллари, худдики буюк мутафаккир Алишер Навоий машваратида сўз тинглаб, мушоҳада этиб, қад ростлаб турибди.

Бу масканда ўзингизга, айтаётган гапларингизга эътиборли бўласиз. Гўё тоза, сокин ҳавога ижодкорларнинг ўткир нафаси, ижод ҳаёллари қўшилиб кетгандек. Йўлаклар бўйлаб фарзандлари, набираларини бошлаб юрган, адиблар сиймосига қараб туриб нималарнидир сўзлаётган оталар, оналарни қўриб қушнуд бўласиз. “Бу ёзувчининг мана бундай асарини ўқиганман”, “Шу шoirдан бирор шеър айтиб берасаними, болам”, деган сўзлар қулоққа чалинади.

Хиёбон деярли ҳар куни олий таълим муассасалари талабалари, ўқувчилар, ҳарбий таълим муассасалари, турли ташкилот ходимлари, жамоалар билан гавжум бўлади. Бу ерда ҳайкаллари ўрнатилган барча ижодкорлар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, тарғиб қилиш, бу борада тадқиқотлар олиб бориш маълум олий таълим муассасаларига бириктирилган. Бу борадаги ишлар натижаси мунтазам ташкил этилаётган илмий, маърифий, бадий тадбирларда акс этмокда.

Мамлакатимизда ёш ижодкорларга бўлган эътибор ҳар доимгидан-да

ҳафтанинг шанба кунлари ёш шоирлар ва адабий ижод ихлосмандлари учун “Хиёбон оқшомлари” ижод кечалари ўтказиб келинмокда. Бундай шеърият кечалари мамлакатимиз ёшлари қалбида адабиётга меҳр-муҳаббатни янада ўстириш, янги ижодкорларни кашф қилиш ва қўллаб-қувватлаш, китобхонликни тарғиб қилиш, шунингдек, ёш ижодкорларнинг ўзаро тажриба алмашишига имконият яратиш мақсадида ташкил этилган. Очиқ осмон остида, хушманзара дарахтлар соясида, устоз ижодкорларнинг ҳайкаллари қошида бўлиб ўтаётган “Хиёбон оқшомлари” да ёш шоирлар навбатма-навбат ўз ижодидан, устоз ё тенгдош шоирлар шеърларидан ўқийди. Ўзидан кейинги навбатни белгилайди, яъни ижодини яхши қўриб мутолаа қиладиган ижодкорга узатади. Шеърият оқшоми ана шу тарзда бошқарилади. Бу жараён қўллаб-қувватлаш истеъдодли ёшларни саралашга хизмат қилмокда. Ёш шоирлар ўз ижоди тўғрисида уни тинглаб ўтирган адабиётшунослар, устоз шоирлардан фикр-мулоҳаза тинглаб, сабоқ чиқаради.



юқори. Ёшлар орасида халқимиз фаровонлиги, ҳаётимизнинг янада гуллаб-яшнаши, тинчлик-хотиржамлик ҳукмрон бўлиши учун яхши ташаббусларни илгари сурадиган ёшларга катта имкониятлар яратилган. Хусусан, интеллектуал салоҳиятини, китоб ўқиш маданиятини янада оқсаттириш бўйича лойиҳалар қўллаб-қувватланади. Яхши ташаббуслар қўлнинг адабий ижоди алоқадор, кўп китоб ўқиган чанқоқ ёшлардан чиқади.

Бадий ижоднинг бирор йўналишида қалам тебратадиган ёшлар қарашлари ўзига хос, сўзни қадрлайдиган, ҳар бир ҳодиса ва ҳолатга теран нигоҳ билан қарайдиган, бир-бирини яхши тушунадиган бўлади. Шу боис, уларнинг давраси ҳам ўзгача шукухли. Бундай ёшлар учун ўз истеъдодини намойиш қилишига имкон яратиш энг зарур вазифалардан бири.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ёш ижодкорлар билан ишлаш бўлими 2021 йилдан бошлаб юртимизнинг турли жойларида ашаб, бадий ижод билан шугулланаётган ёшлар учун хайрли бир ташаббусни йўлга қўйди. Унга қўра,

Ҳар сафар бундай шеърият кечаларига устоз адиблар, адабиётшунослар, ноширлар, таниқли санъаткорлар меҳмон бўлади.

Ҳар бир кечада фаол иштирок этган ёш шоирларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашр этилган китоблар совага қилиниши ҳам аънаъага айланган. Шунингдек, оқшомда меҳмон бўлган наشريёт ходимлари билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган. Мушоира кечалари оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда мунтазам равишда ёритиб борилади. Кейинги вақтда бу даврада иштирок этиш истагини билдирган зиёлилар, турли жамоалар сони кўпаймокда.

Бадий ижод соҳасида ўз йўлини топишга интилаётган ёшлар учун уюшма қошида “Онажоним — шеърият”, “Умид”, “Ёш мунаққид” каби тўғрақлар ҳам самарали фаолият олиб бормоқда. Яхши томони, бу машғуллотлар интернет тармоқлари орқали оқшомдан иштирок этувчилар учун ҳам узатилади. Машғуллот ва сўхбатларда Корея, Россия, Қирғизистон, Туркия давлатларидан ҳам ёш ижодкорлар

катнашмокда. Айна кунларда мазкур ижодий тўғрақлар фаолиятини янада яхшилаш юзасидан зарур ишлар амалга оширилмокда.

2022 йилнинг бошида Ёзувчилар уюшмаси раисининг Ёш ижодкорлар билан ишлаш бўйича ўринбосари раҳбарлигида уюшманинг барча ҳудудий бўлиmlари масъуллари билан интернет орқали йиғилиш ўтказилди ҳамда “Хиёбон оқшомлари” лойиҳаси асосида шундай эркин кўринишдаги адабий кечаларни барча ҳудудларда ўтказишга келишиб олинди.

Ёзувчилар уюшмасининг ҳудудий бўлиmlари томонидан бошқариб борилаётган ушбу кечалар ҳар ойда бир марта ўтказилиб, ҳудуддаги ёш ижодкорларни бир жойга жамлаш, ўзаро фикр алмашиш ва қизгин давралар ташкил этишга хизмат қилмокда.

Шеърият кечалари юртимиз ҳудудларидан келиб чиқиб турлича номланган. Қорақалпоғистон Республикасида “Нукус оқшомлари”, Андижонда “Андижон оқшомлари”, Жиззахда “Жиззах оқшомлари”, Навоийда “Қизилқум оқшомлари”, Сирдарёда “Гулистон оқшомлари” номи билан аталадиган кечалар ёш ижодкорларга ўзгача руҳ, кайфият, илҳом бермокда. Шу билан бирга, ёшлар давраларда ўз шеърини ўқиш, равон сўзлаш, ноқилик кўникмаларига ҳам эга бўлиб бораётди.

Ёшлар ўз замондошлари ижодида фикр-мулоҳазалар билдираётгани кишини мамнун этади, албатта. Бу кечалар мавсумга қараб вилоят марказларидаги сўлим хиёбонларда, ижод мактаблари, кутубхоналар, маданият саройлари, Матбуот уйлари, Маънавият ва маърифат марказларида ҳам ўтказилипти.

Ёзувчилар уюшмаси Ёш ижодкорлар билан ишлаш бўлими “Хиёбон оқшомлари” лойиҳаси доирасида олти ойлик якунларида ноъанавий фестивал ташкил этишни режалаштирган. Фестиваль доирасида ҳозирги кунда маҳаллалардан бошлаб ўтказиб келинаётган “Мушоира” тадбирлари ғолиблари ҳамда лойиҳанинг энг фаол иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш, уларни муносиб рағбатлантириш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, ушбу лойиҳада ижоди билан фаол катнашиб келаётган, давралар орқали ўз ўқувчиларини топаётган истеъдодли ёшлар ижодидан жамланган “Хиёбон оқшомлари” номли баёз-тўппам нашрга тайёрланмокда. Режага қўра, 2022 йилдан бошлаб бу тўппам ҳар йили нашр этилади.

АДИБЛАР ХИЁБОНИДАГИ ЁЙЛАР

Қачон хиёбонни айлансангиз, албатта, қайсидир адиб сиймоси атрофида сабоқ ўтаётган устоз ва уни жон деб тинглаётган ёшларни кўрасиз. Роп-роса икки йил аввал — 2020 йилнинг 20 май кунини Президентимиз ташриф билан халқимизни ўз бағрига қорлай бошлаган бу хиёбонда салобат тўкиб турган ҳар бир адиб ва шоир ижоди ва ҳаётини мукаммал ўрганиш, тарғиб қилиш олий ўқув юртиларига бириктирилгани нақадар эзгу иш бўлганига бугун гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу ижод бўстонида ошно бўлган бўлгуси шифокорми, муҳандисми, меъморини, математика муаллимини, ҳамма-ҳаммаси маънан бой мутахассисга айланади. Зеро, бадий адабиёт кишини эзгулик, ҳалоллик, одамийлик, фидойиликка ундайверади.

Баҳорнинг биринчи кунини, шоира Зулфиянинг таваллуди муносабати билан Адиблар хиёбонида Тошкент тиббиёт академияси гоят гўзал бир тадбир ташкиллаштирди. “Бу боғлар бир боғлар бўлади халқи” деб номланган тадбирда гўзал мисралар ўқилиши, шоирларнинг сўз олиши табиий эди. Бироқ бўлгуси шифокорлар Зулфияхонимга бағишланган бадий пишиқ, ташбеҳлари гўзал, ҳар сатрида хайрат айлантирган шеърлар битишини кўпчилик ҳаёлига келтирмагани аниқ.

Шоирлар оламнинг
нур нафасидур,
Бу таъриф одамнинг
фалсафасидур,
Бу кун эзгуликнинг галабасидур,
Бахтнинг маросими
Зулфияхоним...

Зулфияхонимга бағишланган бу каби турфа шеърларни қўллаб-қувватлаш бўлимидаги сўзловчи қизлардан тингладик. Улар Зулфияхоним ҳаёти, ижодини ўрганишга киришганлар-у, ҳайрат, ҳаяжондан яралган ёрқин туйғуларни қозғога тўкилган.

Тадбирга ташриф буюрган устоз шоирлар уларни олқишлаб табриқлар экан, Зулфияхонимнинг “Бу боғлар бир боғлар бўлади халқи” деган ўтти сатрларини қизларнинг қамолига қийс-лади. Бу шеърлар Тошкент тиббиёт академиясида ташкил қилинган “Ёш ижодкорлар” тўғраги машғулотларида бир неча бор чархланиб, сайқалланиб, Зулфияхонимга бағишланган шеърлар қўриқ-танловда мукофотга сазовор бўлган.

Холнисо Саъдуллаева, Муҳайё Аҳмаджонова, Маржона Қиёмова, Намуна Асомова, Қумуш Ғойибназарова қабиляр имтиҳон дафтарчаларидаги қатор аъло баҳолари, бадий адабиётдаги изланишлари, жамоат

Замира РЎЗИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Тошкентнинг томоша қилсангиз, кўнгил яйрайдиган масканлари қўп: истироҳат боғлари, “сити”лар, музейлар, роҳатихон фавворалар, анқонинг уруғини ҳам топса бўладиган савдо марказлари... Саноққа бармоқларимиз етмай қолади. Аммо булар қаторида яна бир зиёратгоҳ борки, унинг ўзи бир олам. Бу — Адиблар хиёбони. Унинг бошқа хиёбонлардан фарқланадиган жиҳатлари қўп. Кўрсангиз кўзингиз яшнайдиган, тафаккурингиз чархланади, руҳиятигиз тозарганини, дунёқарашингиз янгиланганини ҳис этасиз. Бунда халқимизнинг қўллаб-қувват сиймолари кўнглингиз меҳмони бўлади.

“Шоирлар оламнинг нур нафасидур”

ишларидаги фаолликлари боис, “Зулфия” номидаги Давлат стипендияси соҳиблари бўлганлари барчани мамнун этади.

Муҳими, бу каби изланиш ва рағбатлар ҳар бир олий ўқув даргоҳида давом этапти. Жумладан, Тошкент педдиатрия тиббиёт институтида амалга оширилган ишлар билан танишганимизда яна ҳам қувондик. Қорақалпоқ шоири Бердақни бугун мазкур даргоҳ талабалари мукаммал ўрганипти, десак муболага эмас. Хусусан, “Бердақ билимдонлари” танлови ҳаммани изланишга қорлади. Ким шеър ёзиб, ким илмий таҳлилий мақола яратиб, ким ташкил қилинган Бердақ музеи учун экспонат йиғиб, яна ким “Бердақ” стипендияси учун ҳаракатга тушди. Ахир неча юзлаб талабалар ичидан мазкур стипендия совриндорлари бўлган Достонбек Исмаилов ва Феруза Дўстмуродовага ўхшашни ким истамайди дейсиз...

— Мен тиллар кафедрасида ишлайман, — дейди болалар шоири Кавсар Турдиева. — Аммо Бердақ

Институт махсус сайтга Бердақ ҳаёти ва ижодида доир маълумотлар жойлаб борилаётгани эса талаба ёшларнинг шоирга дахлдор қўллаб-қувватлаш ишлари билан олишларига хизмат қилляпти. Институтида “Бадий адабиётда тиббиёт” фани ҳам ўтиляпти. Бадий тафаккури юксак шифокор ҳеч қачон беоморга қўпол муомала қилмайди, унинг кўнглига илиқлик олиб киришни инсонийлик бурчи, деб билади.

Умуман олганда, бугун Адиблар хиёбонидан жой олган 24 нафар фидойи ижодкор ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасидаги ишлар 24 та олийгоҳда қизгин давом этапти.

Абдулла Авлоний ижоди бўйича тарғибот ва тадқиқот ишлари Низоми номидаги педагогика университетида, Беҳбудий ижоди ва ҳаёти бўйича Ўзбекистон халқаро Исроом академиясида олиб бориляпти. Айна пайтда Муқимий, Фурқат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғафур Ғўлом, Ойбек, Хамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Саид Аҳмад, Саида Зуннунова, Озод Шарафидинов, Эркин Воҳидов,



ижодини ўрганиш бўйича ўтказиладиган анжуманларга ҳар бир кафедра ходимлари ҳам астойдил тайёрланади. Кафедранинг доцентини Гуландом Қуронбоева, фармакология ва нормал физиология кафедраси ассистенти Мурувват Акбарова, педиатрия ва халқ табиобати факультети талабаси Шахноза Эркинованинг “Бердақ” кўкрак нишонига сазовор бўлгани изланишлар, ўрганишлар самарасидир.

Шу ўринда институтининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари ва талабалари Бердақ юрти Қорақалпоғистонга илмий-адабий ўрганиш учун бориб келганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, воқелиқлар, маълумотларни жойига чиқиб ўрганиш ҳар қандай талаба учун қизиқ туюлади.

Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф ижодини ўрганиш олий ўқув даргоҳлари ёшларнинг кундалик вазифасига айланиб қолганини тасаввур қилаверинг.

Улуғларнинг ижоди ёшларни маънан юксалтириб, чинакам эзгу ишлар сари етаклайверади. Адабиётни, маънавиятни мукаммал ўрганиш эстафеталари эса давом этади. Олиханов кўнгил одамлари, фикри теран билимдонлар кўпайгани сари юрт келажаги, халқимизнинг маънавий қиёфаси юксалиб бораверади. Зотан:

Қаламга ҳамнафас, китобга ўртоқ,
Синоатин топсам дейди ҳар

оннинг.
Иштиёқи баланд, илмга чанқоқ,
Фарзандлари —
янги Ўзбекистоннинг.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 1594

86602 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.

Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.

Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.

Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улғумуродов
Мусахҳик: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 22:45 Топширилди — 23:40

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz